

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (10.948)


Баҳоси эркин нарҳда

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунни**
Янгиликлар, воқеалар

**Бу байрам — барчамизники,
бўтун халқимизники**



**СЕРГЕЛИ
ТУМАНИ**



Мустақиллик йилларида чирой очиб, энг обод ва гузал худудлар қаторидан ўрин олган Сергели тумани аҳолиси ҳам Энг улуг ва энг азиз байрамни ишда ва ўқишда, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, иқтисодийётада яхши кўрсаткичларни қўлга киритган, «тўйга тўёна» деган халқ нақлига амал қилиб янги корхона, мактаб ва спорт комплексларини ишга туширган ҳолда кутиб олмақдалар.

Пойтахтимиздаги энг кенжа туманлардан бири бўлган Сергели туманининг умумий майдони 5,6 минг гектарга тенг, аҳолиси эса 148,1 минг кишини ташкил этади. Худудда 1864 та корхоналар фаолият юритаётган бўлса, шулардан 132 таси йирик, 264 таси кичик ва 1283 таси микрофирмалар, шунингдек, 81 таси қўшма корхоналардир. 540 нафар хусусий тадбиркорлар ҳам туман иқтисодийётига ҳисса қўшиш учун интилиб келмақдалар.

Туман аҳолисининг соғлиғи битта шифохона, 7 та поликлиникаларда тикланмоқда. Таълим-тарбия масканлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, 6 та касб-хунар коллежлари, 27 та умумтаълим мактаблари, 34 та мактабгача таълим муассасалари болажонлар ихтиёрида. Аҳолининг кўнгилли дам олиши учун 2 та маданият ва истроҳат боғлари, 1 та кутубхона, 1 та мусиқа ва санъат мактаби хизмат қилмоқда.

Ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун 4 та спорт комплекси, 1 та стадион, 2 та бассейн, 26 та спорт зал, 2 та спорт майдони ва 4 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият юртимокда.

Мустақиллик йилларида туманда катта ҳажмдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шинам ва кўркам бинолар, салобатли кўприклар, раvon йўллар бугун кўрган кўзларни қувонтирмақда. Тумандаги «Ба-

хор» ва «Кипчоқ» маҳаллаларида қурилиб фойдаланишга топширилган поликлиника ва янги гузарлар ҳам бетакорроглиги билан ўзгача қиёфа касб этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида туманда асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича изчил ўсиш суръатлари таъминланди.

Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, санаотда ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 132,5 фоизга, пудрат ишлари — 109,8 фоизга, чакана савдо — 132,7 фоизга, пуллик хизматлар — 113,5 фоизга, умумий экспорт — 118,2 фоизга ортган. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича эса ўсиш суръатлари — 144,1 фоиз даражасида таъминланди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда «Мебель» ОАЖ, «Файз» ЖК, «Оригинал текс» КК, «Шах-текстиль», «Иккиламчирангилметалл», «Новатор» каби корхоналарнинг улуши катта бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган устувор вазифалардан бири — тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини барча чоралар билан жадаллаштириш борасида ҳам туманда бир қатор самарали ишлар олиб борилмақда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорағида энгил саноат тармоғига тегишли янги хорижий корхона «Шах текстиль» ишга туширилди, корхонанинг тўғридан-тўғри хорижий инвестиция қиймати 2 миллион долларни ташкил этиб, 160 та янги иш ўринлари яратилди.

Нақд пул тушуми истикбол кўрсаткичларининг бажарилиши 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида 66 миллиард 954 миллион сўмга режалаштирилган бўлса, режага нисбатан 71 миллиард 270 миллион 400 минг сўмни ташкил қилиб, режа 106,4 фоизга бажарилди.

Давлат бюджети даромадига, 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигида солиқ ва тўловлар прогнози 19 миллиард 277,2 миллион сўмини

ташкил этиб, 100,8 фоизга бажарилди, яъни 2007 йил биринчи ярим йиллигида бюджет тушуми 19 миллиард 437,5 миллион сўмни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 121 фоизни ташкил қилди. Маҳаллий бюджет даромадига 4 миллиард 688,5 миллион сўм маблағ туширилиб, режа 100 фоиз ижро этилди. Бюджетдан ташқари фондларга 19 миллиард 503,9 миллион сўм маблағ тушуми таъминланди.

Бандлик дастури бўйича 1528 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 1541 та иш ўринлари ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан туманда 181 та янги иш ўринлари яратилди. Яъни 2007 йилнинг биринчи ярим йиллик режаси 100,5 фоизга бажарилди.

Туманда 1147 кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, уларда 40804 та хонадон ҳамда 3112 та уй йўлга мавжуд. Шундан 2007 йилда 1991 йилга қадар қурилган кўп қаватли уйлардан 63 тасини таъмирлаш режага киритилган бўлиб, бугунги кунда 29 та уйда мукамал таъмирлаш ишлари тугатилган.

Тумандаги ижтимоий соҳа объектларида ҳамда кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига сифатли ва арзон иссиқлик энергияси етказиб бериш мақсадида туман иссиқлик тармоқларининг охириги нуқталарида жойлашган кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи 4 та локал қозонхона қуриб битказилди.

Сергели туманида Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги олдидан амалга оширилаётган ишлар кўламининг нечоғлик катта эканини туманининг ҳар бир худуди, ҳар бир маҳалла ва ўқув юрталарида бўлган киши янада тарафдор рағбат билан кўриб келиш мумкин.

(Сергели туманига бағишланган саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз).

**Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ**
**Н.КУЧЕРСКИЙНИ
“ФИДОКОРОНА
ХИЗМАТЛАРИ
УЧУН” ОРДЕНИ
БИЛАН
МУКОФОТЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимиз қон-металлургия саноатини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали меҳнати, республикаимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Навоий кон-металлургия комбинатининг бош директори Кучерский Николай Иванович “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2007 йил 20 июль

Кечаси сатрларда

• **СОБИР** Раҳимов туманидаги Мирзо Ғолиб маҳалласида «Ёзи «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЕИҲ «Ёшлик» талабалар шахарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мухомул, маданий тадбир «Камолот» билан бирга» деб номланди.

• **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида икки йил аввал ташкил қилинган Олий журналистика курси илк битирувчиларига **ЎТГАН** кунги дипломлар топширилди.

• **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муносабати билан Республика Маънавият тарғибот марказида ўтказилган тадбир «Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш — келажакни ҳимоялаш» деб номланди.

• **РЕСПУБЛИКА** Товар хом ашё биржасида 2006-2007 йил якунларида бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

• **КАМОЛОТ** ЕИҲ Марказий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб фаол ёшлар иштирокида «Мустақиллик ва мен» шiori остида уюштирилган «Ёшлар марафони» қатнашчилари Бухоро вилоятига боришди.

• **ЎЗБЕК** -япон марказида ўтказилган «Чой маросими» маданий тадбирида қатнашганлар кунчиқар мамлакат вакилларининг чой тайёрлаш усуллари билан яқиндан танишишди.

• **АЛИШЕР** Навоий номидаги Санъат саройида режиссёр Рустам Саъдиев раҳбарлигидаги ўзбек кино усталари томонидан яратилган «Панох» бадиий фильми киномухлислар эътиборига ҳавола этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ — МУҲИМ ВАЗИФА

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲМАМОЛИГИГА МАМЛАКАТИМИЗ СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТГА ЭРИШИШНИ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН. ХУСУСАН, БУНДА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН ҲУҶЖАТЛАРИ, ЖИНОЙИ ҲАЗО ТИЗИМИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА ҚИЛИНАЁТГАН ИШЛАР МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Мустақиллик йилларида жиноий жазоларнинг изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштирилиши йўлида амалга оширилаётган ишлар жамиятимиздаги муҳитни янада соғломлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Масалан, республикаимизда ўтган йили 2000 йилдаги нисбатан котирилк 20 фоизга, безориллик 6 фоизга камайди. Халқимизнинг кечиримлилик, бағрикенглик ва инсонпарварликка асосланган қадриятларини ўзида муҳассас этган ярашув институти жорий этилди.

Бугунги кунда халқимиз ва жаҳон жамияти диққат марказида турган Ўзбекистонда ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан чиқариб ташланиши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётган мамлакатимизда инсонпарварлик таъминлаши асосида ўлим жазосининг бекор қилиниб, умрбод озодликдан маҳрум этиш жазо чораси қўлланилиши фуқароларнинг конституцийвий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди, шунингдек, қамоққа олишга сан-

кция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши судьяларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятини янада оширади, жиноят ишлари бўйича жаравнинг барча қатнашчиларидан жиноий ишларни қўриб чиқиш чоғида адолат, қонунийлик таъминлашга қатъий амал қилишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўзинчи япма мажлисида мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»-ги ҳамда «Қамоққа олишга сан-

сонпарварлик сиёсатининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Мамлакатимизда инсонпарварлик руҳига йўғрилган ушбу қонунларни қўриб чиқиш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари изчил давом этмоқда. Бу тайёргарлик жараяни суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мазкур қонунларнинг ижросини таъминловчи давлат ҳокимиятининг бошқа институти, суд-ҳуқуқ соҳаси мутахассислари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Жумладан, 14-20 июль кунлари Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатасининг депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, суд, тергов, прокуратура ходимлари, олимлар ва мутахассислар иштирокида жойларда ана шу қонунларни тарғиб этиш, қўллаш тартиби ҳамда ижросини таъминлаш масалалари юзасидан тушунтиришлар беришга бағишланган минтақавий кенгашлар ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Эксперт РА» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига «А» таснифидаги юқори даражали кредит рейтинги берди.

• Тошкентда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида қандли диабет билан касалланган бемор болалар учун хайрия акцияси ўтказилди.

• Зангиота туманидаги Қатортол қишлоғида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «ULUG'BEK BAXT YULDUZI» агросаноат фирмаси ўз фаолиятини бошлади. Янги очилган корхонада қуририлган маҳсулотлар Россия, Туркия ва Хитой технологиялари асосида бежириш қадокланади. Фирманинг фаолият бошлаши билан 11 нафар киши ишли бўлди.

• Наманган шаҳридаги Санъат коллежида «Энг улуг ва энг азиз» республика кўриктанловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

• Бекобод шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Анджон-1» маҳалласида Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган «Кий авлод учрашуви» тадбири бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими бўлими, маҳалла фаоллари, кекса авлод вакиллари ва ёшлар иштироки этишди.

• Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика халқ олимпиади ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази Сирдарё вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган минтақавий семинар «Маданий-маърифий муассасалар ходимлари фаолиятини маънавий янгилаш ва ислохотлар жараёнига йўналтириш» мавзусига бағишланди.

• Тошкентдаги Миср маданият марказида мусаввир Шухрат Рассомнинг шахсий кўрғазмаси очилди.

• Андижон вилоят мусиқали драма театрида Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри, Миллий симфоник оркестри жамоалари ва Ўзбекистон халқ артисти Исмомил Жалилов иштирокида хайрия концерти ўтказилди.

• Жиззахда урни бойитиш миллий дастурининг амалга оширилишига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари урни бойитиш технологияси, лаборатория тадқиқотлари жараёни билан танишиш мақсадида Жиззах ун комбинатида ҳам бўлишди.

ЖАҲОНДА

• Туркияда муддатидан олдин ўтказилган парламент сайловларида мамлакат Бош вазири Режап Тайиб Эрдоган етакчилигидаги «Адолат ва таракқиёт» партияси ғалаба қозонди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу партия вакиллари сайловларда 46 фоиз овоз олишган. Эндликда янги парламент 40 кун ичида мамлакат президентини тайинлаши лозим.

• Франция Президенти Николья Саркози ҳамда Польша Президенти Лех Качинскийлар кеча Франциядаги муқаддас қадамжони эътибор қилишга келган польшалик бир гуруҳ сайёҳлар тушган автобус ҳалокатга учраган Гренобль шаҳрига келишиб, касалхонага ётган 13 нафар польшаликларнинг ҳолидан хабар олишди. Айтиш керакки, мураккаб тоғ йўлида 15 метрлик жарга қулаган автобус ҳалокати тўғрисида 27 киши ҳаётдан кўз юмган.

• Кеча Франция Президентининг рафиқаси Сессилия Саркози болгариялик бир гуруҳ ҳамшира ва шифокорни ўз мамлакатларига қайтариш мақсадида Ливия Президенти Муаммар Каддафи билан музокаралар ўтказиш учун ушбу мамлакат пойтахтига келди.

• Бельгияда қирол қасамёд қилган кун миллий байрамни кенг нишонланди. Байрам доирасида мамлакат пойтахти Брюссель шаҳрида ҳарбий парад, қизиқарли авиашоу ҳам ташкил этилди.


• Афғонистон пойтахти Кобул шаҳридан 100 километр жанубда 20 нафар Жанубий корейлик фуқаро гаровга олинган. Маълумотларга қараганда, хорижликлар машинада сайр қилиб юришган чоғда қурулган шахслар томонидан ўғирлаб кетилган. Бу жиноят юзасидан жавобгарликни «Толибон» ҳаракатининг маҳаллий гуруҳи ўз зиммасига олди.

• Исроил ҳукумати 250 нафар фаластинлик маҳбусни озодликка чиқарди. Бу Фаластин муқторияти раҳбари Махмуд Аббос ва ХАМАС ҳаракати ўртасидаги келишув самараси сифатида баҳоланмоқда. Озодликка чиқарилган маҳбуслар орасида 6 нафар аёл ва 11 нафар вояга етмаган ўсмирлар ҳам бор.

• Ростов областида бошқона хизмати ходимлари томонидан 6 тоннадан ортиқ микродордаги қимматбаҳо осётр балиқларини контрабанда йўли билан Москва шаҳрига олиб кетаётган «Камаз» автомашинаси ушланди. Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича жиноий иш очилган бўлиб, тергов ҳаракатлари кетмоқда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 24 июль кунги Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 20-22, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.



Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники



Маҳалла

ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҲИССАМИЗ КЎШИЛАДИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ БЎЛМИШ МАҲАЛЛАЛАРГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ 33 ТА МАҲАЛЛА ҲАМ ШУ ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИК САМАРАСИ ЎЛАРОҚ ТОВАРА ОБОД БЎЛИБ БОРМОҚДА.

Хусусан, Сергели туман Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан маҳаллаларнинг озода, чиройли, ободонашган, дўстлик, биродарлик, яхши кўшничлик қарор топган масканлар қаторидан ўрин олиши учун бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Тумандаги Бобур, Қўшқўрғон, Иттифок, «Янги ҳаёт», «Ёшлик», «Гулистон», Ш.Бурхонов ва Амир Темура каби бир қатор маҳал-



лалар ҳаётига назар ташласак, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, яқка-ёлғиз, ногирон, пенсионерларга кўрсатилаётган эътибор ва саховат, моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватланаётганини кўриш мумкин.

— Маҳалламизда 5.812 нафар 28 дан ортиқ турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек яқин кўшни, дўст-биродар бўлиб яшаб келмоқда, — дейди «Баҳор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ҳақим ака Исроилов. — Ҳар бир тарихий кун, шонли сана ва байрамларда ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий кўмак беришга интилиб келмоқдамиз. Айниқса, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижроси йўлида саховатли бўлиш, ҳомийлик кўрсатиш, беиминат ёрдам қўлини чўзиш борасидаги бир қатор тадбирларимиз фуқароларимизнинг

оғирини енгил қилиб ҳаётда ўз ўрниларини топишларида ўзига хос омил бўлмоқда. Ёнгинамизда замонавий оилавий поликлиниканинг қад ростлаши аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда жуда қўл келмоқда.

Шунингдек, болажонларимизнинг соғлиқларини тиклаш, спорт билан шугулланишларига имкон яратиш учун ўз кучимиз билан ишга туширган футбол майдонимиз ҳам доимо ёшлар билан гавжумлиги барчамизни қувонтиради. Маҳалламиз болалари «Футболимиз келажаги» спорт мусобақасида 9-10 ёшлар ўртасида шаҳар голиблигига даъвогар бўлишди. Албатта, бу ҳам уларга кўрсатилаётган эътибор туйғулари.

Мақсадимиз маҳаллалар ободлигига ҳисса қўшиб Муσταқиллигимизнинг 16 йиллигини муносиб кутиб олишдир.



Маънавият

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

ИНСОН ЎЗ ВАТАНИДА, ЭЛИДА, МАҲАЛЛАСИ, ҚЎЙИНГЧИ ОИЛАСИДА АЗИЗ МУКАРРАМ БЎЛАДИ. ЎЗ НАВБАТИДА ҲАМ РУҲАН, ҲАМ МАЪНАН БАРКАМОЛ ИНСОНГИНА ЮРТИГА, ВАТАНИГА СОДИҚ БЎЛАДИ, УНИНГ РИВОЖИ, ОБОДЛИГИГА ҲИССАСИ ҚЎШИЛАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ИНСОНЛАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА МАМЛАКАТИМИЗДА САЛМОҚЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Хусусан, Республикаимиз Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ҳам айнан мана шу мақ-

садни ўзида мужассам этади. Сергели туманида ҳам ушбу Қарор ижроси бўйича иш олиб борилади, аҳолига давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қонун

ва давлат дастурларининг аҳамиятини атрофлича тушунириш бўйича таълим муассасалари, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда учрашув, давра суҳбати ва тадбирлар ўтказилмоқда. Биринчи ярим йилликда тумандаги 33 та маҳалланинг ҳар бирида «Ватан ягонадир, Ватан битидир», «Маҳаллам — менинг уйим» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди. Эътиборлиси, ҳафтанинг ҳар чоршанба кuni туманда ҳуқуқий саводхонлик кунлари, пайшанба кунлари тиббий саводхонлик кунлари ва шанба бо-

лалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш кунлари деб белгилаб қўйилган. Бу борада туман ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган режалар асосида олий таълим муассасалари профессор ўқитувчилари, ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Сергели туманида маънавий-маърифий ишларни олиб боришнинг мақсад-моҳияти инсоний гўзалликни тараннум этиб, маънавий ва жисмоний баркамолликка қаратилган.

Иқтисодиёт

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИ УЧУН ҚИЛИНАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТ, ЯРАТИЛАЁТГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ ҲАМ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТИБ, РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҚўШМА КОРХОНАЛАР ОЧИБ ИШ БОШЛАШЛАРИГА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Хусусан, Сергели туманида яқин вақтлар ичида иш бошлаш учун катта тайёргарлик ишлари кетаётган «Файз текстиль групп» кўшма корхонаси ҳам мана шу ислохотлар самарасидир.

Ушбу корхона трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, биринчи босқичда 200 та, иккинчи босқичда

эса 1000 та янги иш ўринлари яратиш режаланган.

Бугунги кунгача корхонага Германия, Швейцария ва Буюк Британиянинг текстиль йўналишидаги замонавий технологиялари ўрнатилиб, тўғридан тўғри 4,5 миллион евро инвестиция киритилди. Маҳаллий тижорат банклари томонидан ажра-

тилган маблағ миқдори эса 5,8 миллион еврони ташкил этади.

— Ушбу корхонани очишдан юртима мақсадимиз — ятимиз ривожини, янада гуллаб-яшнаши учун ҳисса қўшиш, жaxon андозалари даражасидаги маҳсулотлар тайёрлаб хорижга чиқиш, янги иш ўринлари яратиш банд бўлмаган аҳолини иш билан таъмин-

лашдир, — дейди «Файз текстиль групп» кўшма корхонаси директори Хусниддин ака Дўстмухаммедов. — Насиб этса яқин фурсат ичида икки бозор талабларини пухта ўрганиб ҳам сифатли, ҳам хараддор боп маҳсулотларни ҳамшаҳарларимизга етказиб берамиз. Бизда бунинг учун барча шароитлар мавжуд.

Дарҳақиқат, меҳнат қилган элда азиз, дейдилар. Мана шу бахт яхши ниятлар билан иш бошлаш оstonасида турган ишбилармонлар ҳам насиб этишини тилаймиз.

МАМЛАКАТИМИЗДА 1997 ЙИЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА ҚИЛИНАЁТГАН ИШЛАР ҚўЛАМИГА НАЗАР ТАШЛАСАК КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИНИНГ ҲАМ МАЪНАН, ҲАМ ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ ТАРЗДА ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА ЖУДА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛГАНИГА ГУВОҲ БЎЛАМИЗ.

Хусусан 2006 йилда ушбу дастур ижроси йўлида 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей, 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежлари қурилиб фойдаланишга топширилиб, 8,7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ўқув-лаборатория жиҳозлари харид қилингани фикримиз далилидир.

Бу борада Сергели туманида ҳам ўсиб келаётган ёшларни юртимизга муносиб фарзанд, ватанпарвар, илму ахлоқда бе-

Умуммиллий дастур — амалда

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

назир, бир сўз билан айтганда, баркамол бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Уларнинг ўқимишли, касб-корли бўлишлари учун 26 та умумтаълим мактаблари, 6 та касб-ҳунар коллежлари, 35 та мактабгача таълим муассасалари ва ўз касбининг фидойиси бўлган жонқуяр ўқитувчи-мураббийлар хизмат қилмоқдалар.

Шунингдек, туманда «2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг ижроси йўлида замонавий, жaxon андозалари талабларига жавоб берадиган 267-мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилиши учун курувчи-бунёдкорлар гайрат кўрсатишмоқда. Ушбу мактабнинг қурилиши учун умуммиллий давлат дастури ҳисобидан 1.3 миллиард сўм миқ-

доридаги маблағ ажратилган. Бундан ташқари тумандаги 6,32,47-мактабларни капитал таъмирлаш учун 785 миллион сўм, 7 ва 301-мактабларда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиши учун 68 ва 60 миллион сўм миқдоридаги давлат дастури ҳисобидан маблағлар ажратилган. Булардан ташқари ҳудуддаги 236, 305, 552, 459 ва 121-мактабгача таълим муассасаларида ҳам кичкинтойларнинг яхши дам олиши, таълим-тарбияли бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратиш йўлида кенг қамровдаги таъмирлаш ишлари олиб борилиб, бунинг учун 21 миллион сўм маблағ ажратилган.

Айни кунларда юқорида санаб ўтилган таълим-тарбия масканларида қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари қизгин давом этмоқда.

БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ, ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА АҚЛАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИДА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИНИНГ ҲИССАСИ КАТТА БЎЛМОҚДА.

«Камолот»

ЭРТАМИЗНИНГ МУНОСИБ ИЗДОШЛАРИ

Бу борада «Камолот» ЁИХ Сергели туман бўлими томонидан бир қатор саъй-ҳаракатлар олиб бориладими, бу албатта туман ёшларини илмга интилиш, ўз Ватанини севиш, миллий урф-одат ва анъаналарни қадрлаш, юрти камоли ва ривожига муносиб ҳисса қўиш руҳида тарбиялашда намоён бўлмоқда.

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман бўлими ўз иш фаолиятида том маънодаги ёшлар суянчи ва таянчи бўлишга интилиб келмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Сергели туман бўлими раиси Аваз Мамажонов. — Шунинг учун ҳам биз ёшларимиз билан доимий мулоқотни ўрнатганмиз. Уларнинг яхши ўқиш билан бирга бўш вақтларини бекор ўтказмасликлари, норой таъмирлаш ишлари олиб борилиши учун 68 ва 60 миллион сўм миқдоридаги давлат дастури ҳисобидан маблағлар ажратилган. Булардан ташқари ҳудуддаги 236, 305, 552, 459 ва 121-мактабгача таълим муассасаларида ҳам кичкинтойларнинг яхши дам олиши, таълим-тарбияли бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар яратиш йўлида кенг қамровдаги таъмирлаш ишлари олиб борилиб, бунинг учун 21 миллион сўм маблағ ажратилган.

Айни кунларда юқорида санаб ўтилган таълим-тарбия масканларида қурилиш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари қизгин давом этмоқда.

каби бир қатор кўрик-танловлар, «Камалак — 2007. Миллий анъаналар фестивали», «Шахмат фестивали» спорт мусобақалари, «Нима? Қачон? Қаерда?» интеллектуал ўйинлари, «Теннис маликаси» спорт мусобақаси, «ОИТС, гивандлик, чекишга йўқ деймиз!» шиори остидаги иншоотлар танлови шулар жумласидандир.

Айни кунларда ўқувчиларнинг ёзги таътил вақтини мароқли ўтказишлари учун «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ёзги оромгоҳларда дам олаётган ва маҳаллалардаги болажонлар «Кўчма спорт», «Диний саводхонликни ошириш», «Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш», «Камолот» кунини», «Кўчма кино» каби тадбирлардан бирдек баҳраманд бўлиб унда фаол иштирок этмоқдалар.

Ёшлар — келажагимиз, умримиз давомчилари. Уларни ҳар томонлама юртига, элига, ота-боболари, улуг алломаларига муносиб издош қилиб вояга етказиш йўлидаги ҳар бир қадам келажақнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади. Зеро, пойдевори мустаҳкам юртининг албатта эртаси нурафшон, одамлари бахтли бўлади.

Саҳифа материалларини Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади. Рашид Галиев олган суратлар

ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ — МУҲИМ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси шу мавзуда ўтказилган йиғилишда шаҳар ва туманлаги жиноят ишлари бўйича судлар раислари, прокурорра, ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати, Адлия виллиги ходимлари, оммавий ахборот воситалари вақари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси адлия вили Ф.Отахонов, Тошкент Давлат юридик институти доктори, Олий Мажлис Сенати аъзоси М.Рустамбоев, Қончилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташев, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари А.Шарофуддинов бошқалар суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган лотлар бераётган кенг қўламли самаралар ҳақида бафсил тўхталдилар.

Таъкидланганидек, ҳар қандай қонуннинг самарақаввало, ҳуқуқни қўлловчи органлар ходимлари томдан унинг нормалари қай даражада тўри ва тўлиқ тушулишига боғлиқ. Шу боис мазкур қонунларнинг мазмун-моҳиятини ижрочилар ва халқимизга тўла етказиш ида кенг қўламли тушунириш ишларини олиб бориш ҳам аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлажамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳўий тарғибот борасида давлат органлари фаолиятини во-фиклаштириш вазириликлар ва ташкилотларнинг ёсий вазифаларидандир.

Бунда Адлия вазирилик томонидан яратилган нун ҳужжатларнинг миллий базаси, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» нашри ҳамда омиий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фддлашиш лозимлигига эътибор қаратилди. Мазкур қўнларни қўлловчи суд-ҳуқуқ тизими ходимлари Республика юристлар малакасини ошириш марказининг ўқув кsларидида ўқитилади. Шунингдек, қайд этилган қонларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятини ҳамда амалга оширишда амалга оширилаётган демократик исотлар самарасини кенг жамоатчиликка, дунё ҳамжамига етказишга йўналтирилган нашрлар тайёрлаш кўз тутилган.

Йиғилишда қамоққа олишга санкция беришнинг тартиби ва уни қўллаш шартлари, шунингдек, жазо тими-дан ўлим жазосини чиқариб ташлаш билан боғлиқ нун ҳужжатлари қондаларини амалда жорий этиш бўйи берилган саволларга батафсил жавоб кайтарилиди.

Айнан шу мавзудаги минтақавий семинар-кенглар Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ҳам либ ўтди. Уларда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Б.Мустафоев, Олий Мажлис (қати ҳамда Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари раислари М.Ражабова ва Н.Молилов Олий Мажлис Сенатининг ўинини ялпи мажлида ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда қамоққа ошга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муноботи билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўнчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар маъқулланганли юртимизда олиб борилаётган инсонларнинг демократисёй самараси эканлигини қайд этиб, мазкур тарихий нунларнинг амалий аҳамияти хусусида атрофлича тўхдилар.

Қонунчилигимиздаги ўлим жазоси билан боғлиқараён изчил ислох қилингани алоҳида қайд этилди. Уни қўллашнинг босқичма-босқич камайитрилиши ва қоят, бутунлай воз кечилиши жиноий жазоларни либераштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналишидир. Муσταқилликнинг дастлабки йиарида жиноят қончилигида ўта оғир 33 жиноят учулуми жазоси назарда тутилган бўлса, йиллар давомида қдай моддалар сони қисқартириб борилиб ва ҳозирғалиб ўлим жазосини назарда тутувчи фақат иккита моддадди. 2008 йил 1 январдан эса бундай жазо тури булай бекор қилиниб, умрбод ёки узок муддатга озоддан маҳрум қилиш билан алмаштирилади.

Жазонинг бу тури хотин-қизларга, вояга етмагaarга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиди. Қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суд жараёнида тортишиш прилиги, ҳимоячининг иштирок этишига имкон туғилиши ҳам суднинг ахирини устидан апелляция тартибидида шикоятли ҳуқуқи вужудга келишида муҳим омил бўлади. Зеро суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар моҳияти инсонни конститудциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг ксий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига лган ҳуқуқининг самарали муҳофаза этилишини таъминлаш иборатдир.

Семинар-кенгашларда ушбу қонунларнинг тўл ижросини таъминлаш суд-ҳуқуқ идоралари ходимлида алоҳида масъулият, пухта билим ва юқори малакалаб этиши таъкидланди. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари қондаларини амалда таътиб этиш билан боғлиқ малалар атрофлича муҳокама қилинди.

Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган шундай сенаркенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Қо-диоров бошқарди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органни ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган экур тадбирда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амаллаш-риллаётган ислохотлар, инсон манфаатларини ҳимоялиш борасидаги кенг қўламли чора-тадбирлар, хусусан оми юқорида қайд этилган қонунларнинг мазмун-моҳии ва аҳамияти хусусида батафсил сўз юритилди.


Қайд этилганидек, қабул қилинган мазкур қонлар Президент Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотининг узи ва мантқий давоми бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва кинликлари таъминлашини янада қучайтиришга змат қилади.

Йиғилишда асосий эътибор қабул қилинган қонларни амалиётда таътиб этиш жараёнида вужудга келган масалаларга қаратилиб, иштирокчиларнинг бу бодаги саволларига батафсил жавоб берилди.

Шу ўринда жиноят қончилигининг инсон манфтларига хизмат қилишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар бугун ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўлим жазосининг бекоилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларининг яна бир алий самарасидир.

Бугунги кунда дунёнинг ўлим жазоси бекор қинган 122 мамлакат қаторига энди Ўзбекистон ҳам нади. Яқинда жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоийкр» маркази ўтказган ижтимоий тадқиқот натижаларига ўра, ҳамюртларимизнинг мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотлардан хабардорлик даража доимий равишда ўсиб бормоқда. Суровда қатнашларнинг 90 фоизи давлатимиз раҳбарининг жиноят-пессуал қонунчилигини ўзгартириш тўғрисидаги қазини маъқуллаган. Бу жамоатчилик фикрининг жиноят-пессу тизимини инсонпарварлик томонига ўзгартаётганидан далолатдир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ оссида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амаллаш-риллаётган ислохотлар, хусусан, Ўзбекистонда ўликазо-сини бекор қилишга доир жиноят қонунчилиги сзати ҳақида кечаётган жараёнларга мос бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси моҳиятидан кеъ чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла айтиради. Бинобарин, инсон ҳаётига ҳаммиша буюк ьмат сифатида қараб келган халқимизнинг маънавий қриятлари ҳам шун тазозо этади.



1928 IX OLYMPIADE AMSTERDAM
СУРАТДА: Амстердамдаги тўққизинчи Олимпиада ўйинлари плакати.

1928 йил 17 май, Амстердам. Голландия ёмғори Ян Вилс томонидан стадионда махсус ўрнатилган ушунга лойиҳалаштирилган улкан идишда IX Олимпиада ўйинлари машъаласи ёндирилди. У Юнионистоннинг муқаддас Олимп тоғи ёнбағрида махсус кўзгү ёрдамда кўшдан ўт олдирилган, спортчилар машъалани Амстердамга Юнионистон, Югославия, Австрия, Германиянинг шаҳар ва қишлоқлари орқали қўлда кўтарган ҳолда югуриб, бир-бирларига эстафета таъқчалари сингари узатиб етказиб келдилар. Амстердам олимпиада стадионидан махсус ўрнатилган идишда порлаган аланга худди шу машъаладан ёндирилди.

Шу тариқа Олимпиаданинг тантанали очилиши маросимда қадимий умумэллин энг олий ўйинлари ватанида ўт олдирилиб, турли мамлакатлар орқали келтирилган машъалани ёқиб аниқ аниқ қарор топди. Шунингдек, авваллари бўлганидек тинчлик рамзи сифатида стадион узра қабулларни учирини ҳам яна одатга киритилди.

Бу сафарга ўйинлар бирмунча оддийроқ тарзда ўтди. Энг аввало, умуман навбатдаги Олимпиадани ўтказишга Амстердамдан бошқа ҳеч қим даъвогарлик қилмаганлигини таъкидлаш керак. Бу Олимпиадалар тарихида биринчи марта рўй берди. Шу билан бирга Голландиядаги мусобақалар кўлами, уларда кўрсатилган натижалар олдингиларидан анча юқори бўлганлиги билан сифат жиҳатдан ажралиб туришини таъкидлаш керак адалатдан эмаслигини ҳам эслатиш даркор.

Олимпиада ўйинлари голиблиги учун 46 мамлакатнинг 3014 нафар спортчиси, шу жумладан 290 аёл кураш олиб борди. Улар сафида биринчи марта Мальта, Панама, Родезия мамлакатлари миллий терма жамоалари аъзолари бор эди. Ўн икки йиллик бойкотдан сўнг Германия спортчиларига яна олимпиада оиласидан жой берилди. Бу давлат



СУРАТДА: конькида югуриш бўйича иккинчи Кишки Олимпиада чемпиони норвегиялик Бернт Эвенсен (олдинда). У 500 метрга кўмуш ва 5000 метр масофага конькида югуришдаги бронза медалларини ҳам қўшиб, нишонларнинг тўла жамланмасига эга бўлди.

Амстердамга жуда йирик — 200 нафардан ортиқ спортчилардан иборат делегация юборди.

IX Олимпиада ўйинлари дастуридан эркаклар ўртасида бокс, эркин ва классик кураш, велоспорт, сув полони, гимнастика, академик эшак эшиш, оғир спорт, энгил атлетика, елканли қайиқларда мусобақалар, сузиш, сувга сакраш, замонавий беш кураш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей, аёллар ўртасида сузиш, сувга сакраш ва қиличбозлик ўрин олган эди.

Бу вақтга келиб Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун жиддий кураш олиб бориш талаб қилинадиган бўлди. Халқаро спорт федерациялари олимпиадачилар учун аниқ тартиб-қоидалар ишлаб чиқдилар. Жумладан, Халқаро ҳаваскор бокс федерацияси — ФИБА (1946 йилда Халқаро ҳаваскор бокс уюшмаси — АИБА) Олимпиадада ҳар бир вазнда ҳар бир мамлакатдан фақат битта боксчи қатнаша олишини қатъий белгилаб қўйди. Бу барча давлатларда боксинг оммалашшига туртки бўлди. Буни Голландиянинг олимпиада рингида шохсупанинг энг туринга кўтаришлар орасида италияликлар Пьеро Тоскони, Карло Орланди, Витторио Таманини билан бирга аргентиналик Виктор Авенданьо, Артур Родригес Хураго, ҳамта янги эландиялик Эдвард Марлен ҳам борли-

гидан ҳам билса бўлади.

Амстердамда биринчи бор аёллар энгил атлетика мусобақаларида (100 ва 800 метрга югуриш, 4x100 метрга эстафета, баландликка сакраш, диск улоқтириш) қатнашиш имконига эга бўлдилар. Шунинг билан таъкидлаш керакки, аёлларнинг ўйинларида кенг иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишлари осонликча кечмаган. Ташкилотчилар, ажабланиш билан Халқаро Олимпия Кўмитаси ҳам аёлларнинг спорт мусобақаларида қатнашишларига унчалик рўйхушлик билдирмасдилар. Ҳатто Пьер де Кубертен ҳам (у жиддий бетоб бўлиб қолганлиги сабабли Амстердамдаги Олимпиада ўйинларида биринчи марта иштирок эта олмади) аёллар спортига нисбатан машҳур тўртта инкор — “амалий эмас”, “қизиқ эмас”, “кўрам эмас”, “одобдан эмас” фикрида қаттиқ турар эди.

Шу сабабли аёллар ўртасида спорт гимнастикаси мусобақаларига ҳам биринчи марта Амстердам Олимпиадаси дастуридан ўрин берилди. Холбуки, Халқаро гимнастика федерацияси жаҳондаги энг дастлабки спорт ташкилотларидан бўлиб, унга 1881 йилда асос солинган эди. Тўғри, гимнастика биринчи Олимпиада дастуридан ўрин олганида спортнинг бу тури худди қадимий Юно-

(1900, 1904 йилларда), ёки биргина шосседан (1912 йил) ўтказиб келинган эди. 1900 йилда ташкил этилган Халқаро велосипедчилар уюшмаси — УСИ ишлаб чиққан қоидаларга мувофиқ Олимпиадада шоссе ва трекда эркаклар ва аёллар (1984 йилдан) ўртасида турли масофаларга ҳамда вақтга шахсий, 4 километр масофага жамоа биринчиликлари ўтказилади. Шунингдек, велосипед спортининг алоҳида тури — маунтин бейк (тоғ велоспорти) ҳам мавжуддир.

Амстердам Олимпиадасида велопогачилар 7 та олтин медаль учун кураш олиб бордилар. 168 километрга пойғада шахсий ҳисобда даниялик Х. Хансен, жамоа ҳисобида ҳам унинг ватандошлари маррага биринчи бўлиб етиб келдилар. Яна бир даниялик В. Фальк-Хансен жойидан 1000 метрга гитда энг юқори натижа кўрсатди. Фақат 1000 метрга тезлик учун пойғадагина француз Р. Бофран улардан устун келиб, олтин медалга сазовор



СУРАТДА: чанғида 28 километр масофага кроссда Кишки Олимпиада ўйинлари совриндори Швеция жамоаси.

Буни гимнастика бўйича собиқ иттифокнинг биринчи чемпиони тошкентлик ҳарбий хизматчи Мирослав Мурашко бўлганлиги исботлаб турибди.

Спортнинг бошқа турларида бу даражада юқори натижаларга эришилмаган бўлса ҳам ўзбекистонлик спортчиларнинг маҳорати ортиб борарди. Масалан энгил атлетика бўйича Тошкент шаҳар биринчилигида Белоцерковский 1 метр 69 сантиметр баландликка сакраб, республика рекордини ўрнатган. Аёллар ўртасида Стрельцованинг 1 метр 36 сантиметрга баландликка сакраши ҳам республика рекорди ҳисобланган. Узунликка сакрашда Стец (5 метр 5 сантиметр), у ҳатлаб сакрашда Стринг (11 метр 90 сантиметр), велосипед спортда Муравьев (353 метрга гитда 28,4 сония) ҳам Ўзбекистон рекордчилари ҳисобланардилар.

Баҳорда Тошкентда жисмоний тарбия байрамларини ўтказиш аниқсани ҳам пайдо бўлди. Хусусан, 1929 йил 26 апрелдан 15 майгача ўтказилган ана шундай баҳорги жисмоний тарбия байрамада меҳнат жамоалари, талаба ёшлар, ҳарбийлар ўртасида спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтган. Тошкент циркида танкили спортчи бокс, шу жумладан француз боксчи, оғир атлетика, қиличбозлик, гимнастика бўйича кўргазмали чиқишларда иштирок этганлар. Бўзсувда эса эшак эшиш бўйича мусобақалар ўтказилган.

Худди шу вақтда Эски шаҳарда янги стадион тантанали очилган. Бу ерда спортнинг бошқа турлари қатори ўзбек миллий кураши бўйича кўргазмали беллашувлар ўтказилган. “Ўзбек миллий кураши мусобақалари стадионга тўпланганларда жуда катта қизиқиш уйғотди”, деб қайд қилинади республиканинг шу вақтдаги газеталарида.

Ўзбекистон спорт жамоалари бошқа республикалар спортчилари билан мунтазам ўртоқлик учрашувлари ҳам ўтказиш бошлаган. 1929 йилда Кавказорти футболчилари Тошкентга келиб, қатор учрашувлар ўтказганлар. Улар шаҳарнинг иккинчи терма жамоаси ва Ан-

ОЛИМПИАДА: БИРИНЧИДАН ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИГАЧА МАШЪАЛА ЙЎЛГА ЧИҚДИ

нистондагидек кенг маънода талқин қилинган. Янги гимнастикачилар бугунги кун спорт ихлосмандларига яши маълум бўлган машқаларни эмас, кўпроқ энгил атлетикага тааллуқли узунликка ва лангар билан сакраш, югуриш, ядро ҳамда бошқа снарядларни улоқтириш, арқонга чирмашиб чиқишда беллашардилар.

Хозир 125 та миллий федерацияни бирлаштириб турган Халқаро гимнастика федерацияси (ФИЖ) белгилаб қўйган қоидаларга мувофиқ Олимпиадада эркаклар спорт гимнастикасининг олтига, аёллар эса тўртта тури бўйича шахсий ҳамда мутлақ чемпионлик ва жамоалараро биринчилик учун кураш олиб борардилар. Шахсий биринчилик мусобақаларида саралаш босқичларида энг кучли деб топилган 24 тадан эркак ва аёл гимнастикачи, жамоалараро беллашувларда эса 12 миллий терма жамоаси қатнашади.

Голландиядаги беллашувлар аёллар спортига ўғай кўз билан қарашлар асоси эканлигини тўла тасдиқлади. Спортчи қизлар энгил атлетика дастуридан ўрин олган барча турларда жаҳон рекордлари ўрнатдилар. 100 метрга югуришда 16 ёшли америкалик мактаб ўқувчиси Элизабет Робинсон голиб чиқди. Канадалик Этель Катервуд баландликка сакрашда, унинг жамоадоси дугоналари эстафетада олтин медалларга сазовор бўлишди. Германиялик Каролина Радке 800 метр масофага югуришда биринчиликни қўлга киритди. АФСУСКИ, бу чемпион маррага етиб келганидан сўнг худшидан кетганлиги учун аёллар ўртасида энгил атлетиканинг бу тури кейинги ўйинларда мусобақалар дастуридан чиқариб ташланди ва фақат 1960 йилдаги Рим Олимпиадасида қайта тикланди.

Умуман олганда энгил атлетика мусобақаларида яна Америка Кўшма Штатлари спортчиларининг устунликлари сезилиб турди. Уларнинг 25 та — 9 та олтин, 8 та кумуш ва 8 та бронза медални қўлга киритганликлари ҳам бунинг далолатидир. Фин олимпиадачилари бештадан олтин ва кумуш, 4 та бронза медал сохиби бўлдилар. Шунга қарамадан беллашувлар Канада, Буюк Британия, Швеция, Франция, Япония энгил атлетикачилари маҳорати тобора ортиб бораётганлигини кўрсатди. Бу давлатларнинг вакилларига ҳам фахрий шохсупа туридан ўрин топилди.

Гимнастика бўйича эркаклар ўртасидаги мусобақаларда Швейцария спортчиларининг устунлиги яққол сезилиб турди. Улар спортнинг бу турида 7 та олтин медалдан 5 тасини қўлга киритдилар. Аёллар ўртасида эса голландиялик гимнастикачилар ўз маҳоратларини намойиш этиб, жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Велосипед спорт мусобақалари ҳам тартибга солинди. Улар дастлабки Олимпиадаларда ёки фақат трекда чиқишлар уюштирилди.

1928 йилда Москвада биринчи Бутунитиқок спартакиадаси ўтказилди. У Ўзбекистонда ҳам спортни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

бўлди. Шунингдек, Голландия велосипедчилари жамоаси тандемда, италияликлар эса таъкиб қилиш пойғасида галаба қозондилар.

17 та миллий терма жамоа иштирок этган олимпиада футбол турнирида уругвайликлар иккинчи бор зафар кучдилар. Улар олтин медаль учун курашда навбат билан голландияликлар (2:0), немислар (4:1), италияликларни (3:2) мағлубиятга учратдилар. Финалда Жанубий Американинг икки жамоаси учрашди. Уругвайликларга Аргентина олимпиада терма жамоаси қаршичилиги ни сиймоси учун икки учрашув (1:1 ва 2:1) ўтказишга тўғри келди.

Норасий жамоа ҳисобида яна Америка Кўшма Штатлари спортчилари ҳаммадан кўп 63 та (25 та олтин, 17 та кумуш ва 21 та бронза) медал сохиби бўлдилар.

Швейцариянинг Санкт-Мориц курорт шаҳарчасида эса 1928 йил 11-19 февралда II Кишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Унда 25 мамлакатдан 491 спортчи, шу жумладан 27 аёл қатнашди. Улар спортнинг олти турида 13 та медаллар шодаси учун беллашдилар.

Чанғи спортда норвегияликлар 4 олтин медалдан учтасини қўлга киритган бўлсалар, фин К. Тунберг 500 ва 1500 метрга конькида югуришда кўш галабага эришди.

Фигуралар учмида норвегиялик Соня Хенининг муваффақияти эътиборга сазовордир. У Санкт-Морицдаги галабасидан ташқари 1932, 1936 йиллардаги кейинги икки Кишки Олимпиадада ҳам шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилиб, биринчи бўлиб ўн карра Олимпиада чемпиони шарафли унвонига сазовор бўлган.

Шайбали хоккей бўйича олимпиада турнирида яна канадаликларга тенг келадиганлар топилмади. Уларнинг рақиблари бўлган жамоалар бу давлат шарафини ҳимоя қилган Аллан кубого сохиблари — “Торонто Варсити Грейдс” клуби дарвозасига бирорта ҳам шайба кирита олмади. Канадаликлар шведларни 11:0, швейцариялик хоккейчиларни 13:0, Буюк Британия жамоасини эса 14:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

II Кишки Олимпиадада умумжамоа ҳисобида 93 очко ва 15 (5 тадан олтин, кумуш ва бронза) медални қўлга киритган Норвегия спортчилари пешқадамлик қилдилар. Америкаликлар — иккинчи, шведлар учинчи — ўрин билан чекланишди.

Бу даврга келиб Ўзбекистонда ҳам спорт ҳаётдан тобора кенг ўрин олаётган эди. Тошкентда спортнинг энгил ва оғир атлетика, гимнастика, қиличбозлик каби турлари ривожланиб борарди. Футбол, баскетбол, волейбол, теннис ва шахмат бўйича шаҳар биринчиликлари мунтазам ўтказиларди. Ҳатто француз бокси (қўл ва оёқ билан рақибга зарба бериш) бўйича кўргазмали



СУРАТДА: 100 метрга югуриш нафақат энгил атлетика бўйича жаҳон ва кўшма биринчиликлари, балки Олимпиада ўйинлари мусобақаларида ҳам марказий ўрин тутди.



СУРАТДА: Норвегиянинг миллий қаҳрамони, бутун Кишки Олимпиадалар тарихида фигуралар учми бўйича аякка ягона уч маротаба чемпион (1928, 1932, 1936 йиллар), 1927-1936 йилларда жаҳон, 1931-1936 йилларда Европа чемпиони Соня Хенига Ослода ўрнатилган ҳайкал. У 16 ёшидаёқ дастлабки олтин медалини қўлга киритган. Соня Хени 1936 йилда ҳаваскорлар спортини тарк этгандан сўнг АКШда муз устида балетнинг голдузига айланди. У Голливудда 13 та, шу жумладан бутун жаҳонда ўта машҳур “Кўёшли водий серенадаси” фильмида суратга тушган.

дихон футболчилари устидан осонликча йирик ҳисобда галабага эришганлар. Аммо Тошкентнинг биринчи терма жамоаси кавказлик футболчиларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган. Мезбонлар киритган уччала тўп муаллифи Алексей Пичурин бўлган. Кавказорти терма жамоаси бундай натижани кутмаганликлари учун тошкентликлар билан олдиндан режада кўзда тутилмаган “ўч олиш ўйини” (матч-реванш) ўтказишни сўраганлар. Аммо такрорий ўйинда ҳам улар майдон эгалари қаршиликларини синдира олмаганлар. Учрашувда дуранг — 2:2 ҳисоби қайд қилинган.

Шу йили Москва футболчилари ҳам Ўзбекистонда маҳаллий жамоалар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиш учун келганлар. Рақиб учун улар бевосита маъзур жамоаларни танлаганликлари республикада ўша вақтдаги футбол даражасининг баҳоси эди.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Америкалик, мисрлик ва польшалик тадқиқотчилар тош асрига оид топилмага дуч келдилар. Америкада чиқадиган «Нейчер» илмий журнали ўзининг охириги сониди америкалик, мисрлик ва польшалик бир гуруҳ олимлар Абу Сумбал ибодатхонасидан юз чақирим узоқликдаги қуриб қолган қўл яқинида етти минг йиллик тарихга эга тош асрига тааллуқли, йўнилмаган, лекин обидалар қуришда ишлатиладиган тошлар уюмига дуч келганликлари ҳақида ёзди. Олимларни хайратга солган яна бир нарса — тошлар орасида доира шаклидаги, диаметри тўрт метр шимол, жануб ва ғарб, шарқ томонлари кўрсатувчи белгилари топилган тош эди. Олимларнинг фикрича, ундан фалакиёт илмида турли фасллар, жумладан, ёмғирли фаслларнинг бошланишини аниқлашда фойдаланишдан бўлишлари мумкин. Мақолада тошлар топилган бу ерлар Африка томонидан эсиб турадиган мавсумий ғарбий шамоллар таъсирида қадимда намли жойлар бўлган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бу ерлардаги вақтинча ҳосил бўладиган қўллар бўйида қўчманчи чўпонлар подачилик қилишган кўринади, дейилади.

● Дунёнинг ихтироичи кашфиётчилари турли соҳалар каби газмолларнинг янги хилларини яратиш устида иш олиб борганликлари аён. Бу бир томондан бойлик орттириш деб тушунилса-да, иккинчидан, кишиларнинг кайфиятларини маълум даражада кўтаришга қаратилган. Бу борада қуйидаги янгилик ўзига хос. Япония дўконларида ўзидан гул ва ғўлхўрларни муаттар хидини таратувчи нимча, бўйинбоғ, яқтак, кўйлақлар пайдо бўлди. Уларнинг баҳоси одатдагидан 15 фоиз қимматроқ бўлса-да, харидорларни чўчитмай, унинг ўрнига кийинишда янги «Хар қандай гул хидли» урф юзга келди. Муаттарлик кўп мартаба ювиш ва тозалаш билан барҳам топмайди. Бунинг сири — тола ишлаб чиқариш жараёнида муаттар суюқликли митти қобиклар ўрнатилишидадир.

● Германияда истиқомат қилувчи, хозир нафақага чиққан 84 ёшли соатсоз Хорст Зандрок соатларнинг ниҳоятда катта коллекциясини тўплаган. Унда ҳатто Наполеоннинг соати ҳам бор. Бу соатни Франция императори немис дўконларининг бирига совға қилган эди. Коллекцияда шунингдек, 1470 йилда ясалган готик соатлар, бошқа нодир соатлар ҳам бор.

● Япониянинг «Мицубиси» корпорацияси мамлакатдаги 60 та чанғи базалари учун сунъий қор ишлаб чиқаришни бошлади. Бунинг учун мутахассислар бактерияларнинг бир туридан фойдаланишмоқда. Улардан олинган препарат сувнинг музлаш ҳароратини цельсий бўйича 6 даражагача кўтариш имконини беради. Ана шундай сув томчилари ҳаво билан бириккан заҳоти пахмоқ қор учкунларига айланади.

● Жаҳон бўйича энг катта Оила Бразилияда яшайди. Клондинда ва Луис Араос ўзларининг уч нафар фарзандидан ташқари яна 142 та болани тарбиялашмоқда. Оила бошлиғи полиция маҳкамасида хизмат қилади. У ҳар куни тонгда хизмат машинасида болаларни богча ва мактабларга тарқатиб чиқади. Кечқурун эса яна уларни шу машинада олиб қайтади.

● Оловга энг бардошли модда тоза вольфрам карбидидир. У 2500 даражали юқори ҳароратда ҳам эримаслиги мумкин. Аммо америкалик кимёгарлар 5500 даражага дош бера оладиган модда олишга муваффақ бўлишди. Ундан самолётсозликда фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

● Уммонда сузиб юрувчи энг катта муз тоғи 1956 йил Антарктидада қузатилган. Унинг узунлиги 350 километр, эни эса 40 километр эди. Ҳажмининг 90 фоизи сув остида эканини ҳисобга олсак унинг эришидан ҳосил бўлган сув Волга дарёсининг етти йил давомида Каспий денгизига қуйган сувига тенг келади.

● Хитойнинг Хунан деган жойида фақат аёллар фойдаланадиган алифбо мавжуд. У 600 га яқин иероглифлардан ташкил топган бўлиб, алифбо бундан икки аср чамаси олдин яратилган. «Аёллар ҳарфлари» мавжудлиги бундан 35 йил илгари аниқланган эди. Ёзувнинг бу шакли нима сабабдан вужудга келгани маълум эмас.

● Аляскада хизмат қилувчи геологлар ўлчов асбобларидан тортилган кабелларни қандайдир номаълум ҳайвонлар ғажиб ташлаётганидан ташвиш тортаётган эдилар. Қузатувчилар бу иш тулкилар томонидан бажарилаётганлигини аниқлашди. Олимлар симларнинг ташқи қаватига қайин гармдориси суртиб қўя бошладилар. Тулкилар энг аччиқ гармдори билан ишланган кабелларни ғаживу у ёқда турсин ҳатто яқинига ҳам келмай қўйдилар.

● Акриламид полимери ўзининг ҳажмидан 600 баравар ортиқ ҳажмдаги сувни жойлай олади. Британиялик олимлар чўл зоналарида дархатлар илдизлари атрофида шундай сув ютилган полимерларни жойлаштириб, тажриба ўтказдилар. Бу тажриба чўлларда ўрмонлар яратиш мумкинлигини исботлади.

● Ер юзиде қанча ҳайвонларнинг турлари очилмаган, биласизми? Зоологларнинг фикрича, бешдан то юз миллионгача экан. Албатта, булар сафидан асосан йирик жонзотлар эмас, балки хашаротлар, оддий турдаги жонзотлар, чувалчанлар ва биз пайқашимиз мушкул бўлган майда мавжудотлар ҳам ўрин олган. Келинг, бу рақамни бошқасига бир солиштириб кўрайлик. Қурраи заминимиз тарихида геологик, иқлимий, фазовий сабабларга кўра бешта йирик ўлиш жараёни юз берган. Ҳозирда шундай жараёнинг олтинчиси кетмоқда. Бунинг асосий сабабчиси эса одамзот экан. Мана шу «жимжит ҳалокат»нинг ҳар ўн беш дақиқасида тирик жонзотнинг бир тури йўқолмоқда.

ОЗ-ОЗ ЎТГАНИБ ДОМО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Қари бир одамнинг ёши юзда бўлса ҳам, агар ўзин билан вақтини ўтказса, ақлли ҳисобланмайди, балки хануз боладир, хомдир.

Сархушлик мияга уриши билан киши оғзига келганини қайтармай, ҳеч кимга қарамай валдирайди.

Қимматбахо гавҳарни болага берсанг, сен кетгач, унинг кўлига бир олма тутқизишиб, гавҳарни олиб кетадилар. Чунки болада тамиз хусусияти йўқ, яъни олма билан гавҳарнинг фарқи бормайди у. Шунинг учун ҳам тамиз буюк неъматдир.

Ҳакимнинг қўли ушлаши савол бўлса, томирнинг уриши жавобдир.

Жавоб бермаслик ҳам ўзига хос жавобдир.

Инсоннинг ҳар бир қилган ҳаракати саволдир ва севинч ёки қайғуси жавоб бўлади.

Ўтин қанча қуруқ бўлса, тутун ҳам шунча оз бўлади.

Сенинг бошингга келган барча балолар нафсингдан.

Олам бир тоққа ўхшайди: яхши ёки ёмон сўзингнинг акси ўзингга, фақат ўзингга қайтади. Мен яхши гап айтган эдим, тоғ ёмон жавоб қайтарди, дея олмайсан. Бу — имконсиз! Чунки тоғда булбул сайраса, акс садо бўлиб ҳеч қачон ашак ёки қарғанинг овози қайтмайди.

Гўдак онасини танимаса ҳам, унинг кучоғида овунади, роҳатланади.

Ҳар бир инсон жуда улкан оламдир.

Ҳар бир ёнғоқ юмалок, лекин ҳар бир юмалок нарса ёнғоқ эмас.

Қаерда ва қай аҳволда бўлсанг бўл — фақат дўст ва ошиқ бўлмакка тириш.

Асос бўлган нарса қалбнинг тилагидир.

Нақадар ғариб бўлса ҳам, сен қилган барча ишда ақлинг сен билан баробар. Сени ишга бошловчи ҳам у — фақат сен буни кўрмайсан.

Нохушликнинг боиси очкўзликдир. Очкўз кимса ҳар доим кўлига киргандан кўпроғини истайди. Уни бу кўйга солган бало — суклик.

Ҳамд ва шукр ўртасидаги фарқ оддий: шукр неъматларга жавобан бўлади, ҳамд эса умумийдир.

Мен ризқ борасида бир яхши тажрибага эга кўринаман. Яъни эҳтиёж бўлмаса, у ёқдан бу ёққа чопиб қийналиш одатим эмас... Агар сабр билан ўрнимда ўтирсам, ризқимнинг ўзи мени топади.

Одам борки, саломидан ис ҳиди келади, одам борки, саломидан мушқ бўйи келади.

Кейин пушаймон бўлмаслик учун дўстликдан аввал кишини синаб билмак лозим.

Киши сенинг ичингдаги билмагани билан ранги-рўйинг ошкор этмайдими?

Қидирмагунингча ҳеч нарсани тополмайсан.

Инсоннинг талаби тополмаган нарсасини кечаю кундуз изламак-ла вақт кечирмоқдир.

Инсон майли ўз чегарасидан чиққанда, дўстлик душманликка айланади.

Душманлик олами дўстлик оламига нисбатан тор.

Хаёл олами тасаввур оламига қараганда янада кенгдир. Чунки бутун тасаввурлар хаёлдан тугилади.

Сўзнинг фойдаси шуки, сени истамакка йўллайди, илҳом беради. Йўқса, исталган (талаб қилинган) сўз-ла ҳосил бўлмайди. Агар ҳосил бўлсайди, мужоҳадаю фидокорликнинг нима ҳожати бор эди?

Кимки бошқа биров ҳақида яхши гап айтса, бу аслида унинг ўзига тегишли ва у ўзини мадҳ этган бўлади.

Барча одамларни севки, гулу гулзор аро бўлгaysан. Агар уларга душман кўзи билан қарасанг, ўзингни илону тиконлар қароргоҳига ташлаган бўлурсан.


Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Ёз — ўтмоқда соз!

ОРОМГОҲДА МАЪРИФЙ ТАДБИР

ЁЗНИНГ АЙНИ ҲОЗИРГИ ЖАЗИРАМА ПАЛЛАСИДА ЎҚУВЧИЛАР ШАҲАРДАН ТАШҚАРИДАГИ ВА ТУМАНЛАРДАГИ МАКТАБЛАР ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ДАМ ОЛИШ ОРОМГОҲЛАРИДА МИРИҚИБ ҲОРДИҚ ЧИҚАРМОҚДАЛАР.

Айниқса, шахримиз мактаблари негизда фаолият кўрсатган оромгоҳларда болажонларнинг маънавий-маърифий онгини ошириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида кўплаб самарали тадбирлар ўтказиб келинаётганини таъкидлаб ўтиш ўринли.




Жумладан, Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан туман халқ таълими бўлими, туман ёш иқдорлар маркази, «Қамолот» ЁИХ ту-

ман бўлими билан ҳамкорликда 274-мактаб қошидаги ёзги болалар дам олиш оромгоҳида мамлакатимиз Муштақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Яшна, Ўзбекистон» мавзусидаги тадбир ўтказилди.

Тадбир аввалида Юнусобод тумани халқ таълими бўлими раҳбарининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Муаззам Гуломов, Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими бош мухтассиси Дилдора Муҳитдиновалар оромгоҳда хордиқ чиқараётган болаларни мамлакатимиз муштақиллигининг 16 йиллиги билан табриқлаб, келажакда бахт ва омад тиладилар, туманда байрамга тайёргарлик юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтилди.

Сўнг дам олувчи болалар Ватан ҳақидаги шеър, мақоллар, ҳикматларни айтишди. «Яшна, Ватан» мавзусида гуруҳларро асфальтга расм чизиш бўйича эстафета, «Энг ёш раққоса» мавзусида рақс танлови ўтказилди. Тумандаги «Дўстлик» маданият уйининг бадий ҳаваскорлари ижроси-



даги жозибали кўшиқ ва рақслар тадбирга ўзгача айз бағишлади.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: оромгоҳда бўлиб ўтган табирдан лавҳалар

Осиё чемпионати

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

КЕЧА ИНДОНЕЗИЯ ПОЙТАХТИ ЖАКАРТА ШАҲРИДАГИ СТАДИОНДА ЎЗБЕКИСТОН-САУДИЯ АРАБИСТОНИ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ УЧРАШУВ БИЛАН IV ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЧОРАК ФИНАЛ МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНИГА ЭТДИ.

Таъкидлаш жоизки, хитойликлар билан ўтказилган учрашувда ажойиб галабани кўлга киритган ҳамюртларимиз бу сафар ҳам фақат уч очкога эга бўлиш иштиёқида майдонга тушганликларини яшириб ўтиришмади. Ушбу учрашувда терма жамоамиз шарафини Нестеров, Каримов, Ибро-

ҳимов, Николаев, Иномов, Фофуров (Гейнрих), Хайдаров (Соломон), Желаров, Копадзе (Карпенко), Денисов, Шацкилар ҳимоя қилишди. Учрашувни ҳужумкор тарзда бошлаган терма жамоамиз аъзоларининг учинчи дақиқадаёқ ўз дарвозаларидан химоячиларимиз хатоси эвазига гол ўтказиб юборганликлари қимматга тушди. Аммо, шунинг қувонч билан айтиш лозимки, терма жамоамиз биринчи бўлимда ҳам, иккинчи бўлимда ҳам араблардан яққол устунлик қилди. Аммо, футболда амал деган тушунча ҳам бор. Рақиб дарвозасига бир неча марта Шацких, Гейнрих, Иброҳимов, Копадзелар гол киритиш имконига эга бўлишди. Ҳатто, 28-дақиқада Шацких жамоадоши Хайдаров узатган тўпни дар-

возага аниқ йўллаб ҳисобни тенглаштирди. Бироқ ҳакамлар қарорига кўра ушбу гол ҳисобланмади. Футболда «сен гол умасанг сенга уришади», деган қоида бор. 75-дақиқада қарши ҳужум уюштирган араблар Аҳмад ал-Мусанинг аниқ зарбаси эвазига орадаги фарқни иккитага етказиб олишди 2:0. Ҳужумчиларимиз уярим ҳимоячиларимизнинг руҳан тушқунликка тушмаган ҳолда рақиб дарвозасига тинимсиз ҳужум уюштиришлари самара бериб Соломон 82-дақиқада жавоб тўпини киритди — 2:1.

Қолган дақиқаларда ҳам ҳамюртларимиз рақиб дарвозасига тинимсиз зарбалар беришди. Бироқ иккинчи голни киритиш терма жамоамизга насиб этмади.

Осиё чемпионатининг қолган чорак финал беллашуларинида қуйидаги натижалар кайд этилди: Австралия — Япония-1:1, пенальтилар серияси бўйича — 3:4, Ироқ —

Вьетнам — 2:0, Эрон — Жанубий орея — 0:0, пенальтилар сериясида 4:2 ҳисобида Жанубий Корея терма жамоаси галаба қозонди.

Энди ярим финалда Япония — Саудия Арабистони, Ироқ — Жанубий Корея терма жамоалари ўзаро куч синашад.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, терма жамоамиз гарчи мағлубияга учраган бўлсада муҳлисларда ўзининггермазмун ўйинлари билан илқ таассуот қолдирди. Иқтидорли мураббийлар — Рауф Инилеев, Миржалол Қосимов, Авар Рашидов, Микола Шевченколлар ҳракати билан терма жамоамиз ўйин улубида ижобий ўзгаришлар кўзга ташлани. Футболчиларимизнинг барчаси — Шақихдан тортиб, Хайдаров, Иброҳимов, Днисовгача майдонда бир-бирларини иллаган ҳолда уюшқоқ ўйнашди. Уйлаймизки, бу келгусида албатта ўз самарасин беради.

Мутахассис маслаҳати

ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШНИНГ САБАБЛАРИ ТУРЛИ-ТУМАН БЎЛАДИ. ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРГА АЙРИМ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ ТУШИШИ ЁКИ КАСАЛ КЎЗГАТУВЧИ МИКРООРГАНИЗМЛАР БИЛАН ИФЛОСЛАНГАН ОВҚАТНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ НАТИЖАСИДА ШУНДАЙ ХАСТАЛИК КЕЛИБ ЧИҚАДИ.

Бизни ўраб олган миллионлаб микроблардан фақат айримларигина овқатдан заҳарланишга сабабчи бўлади. Бунга салмонелла гуруҳига мансуб бактериялар (паратиф), стафилокок каби бактериялар мисол бўлади. Овқатдан заҳарланиш кўпроқ салмонелла бактериялари овқатга тушиб, унда микробларнинг кўпайиши натижасида вужудга келади ва бу касалликка «Сальмонеллез» дейилади. Ёз кунлари овқатдан заҳарланиш касалликлари кўпроқ учрайди.

Зеро, авваламбор кун иссиқ бўлиши туфайли овқат тез бузилади. Иккинчидан, микроблар овқатда узоқ вақт яхши сақланибгина қолмай, тез кўпаяди.

Учинчидан, микробларни фаол тарқатишда иштирок этувчи пашшалар ҳам кўпаяди. Касаллик тўсатдан бошланади. Микроблар билан ифлосланган овқат ейилгандан кейин одатда 6-12 соат вақт ўтгач беморнинг кўнгли айнайди, сўнг қуса бошлайди. Қоринда кучли оғриқ пайдо бўлади, бироз вақтдан кейин эса беморнинг ичи кета бошлайди. Кейинчалик ҳарорати кўтарилб, боши оғрийди. Айрим вақтларда мускуллар тортишиб, бемор ўзидан кетиб қолиши мумкин.

Ёз кунлари гўштни иссиқ шароитда сақлаш натижасида микроблар кўпаяди, айниқса улар гўшт қиймасида тез ривожланади. Айрим вақтларда ўрдак ёки гоз туҳум-

ларини истеъмол қилиш натижасида касаллик рўй бериши мумкин. Микроб туҳумнинг саригида яшайди ва кўпаяди, оқид эса кўпаймайди, чунки туҳум оқининг тарқибда микробларни ҳалок қилувчи алоҳида модда бўлади. Ўрдак ёки гоз туҳумларидан касалланмаслик учун уларни яхшилаб пишириб ейиш керак.

Иссиқ кунларда сут, кефир ва простакваша маҳсулотларидан фойдаланиш ҳам анча ҳавф тугдиради, чунки сут ва сут маҳсулотларида оқват билан заҳарланишни чақурувчи микроблар узоқ вақт яхши сақланиб туриши мумкин.

Овқатдан заҳарланиш аломатлари бошлангани билан оқвалло врачга бориш шарт. Киши заҳарланиб

қолганда кўриладиган асосий чора организмдан заҳарли овқатни тезроқ чиқариб ташлашдан иборатдир. Бунинг учун касалга кўп миқдорда қайнатилган илиқ сув бериш лозим. Шундай сув тезроқ ва кўпроқусишга, яъни ошқозондги заҳарли моддаларни тезроқ чиқариб ташлашга ёрдам беради.

Овқатдан заҳарланиш касалликларининг олдини олиш ҳар бир кишининг ўзига, яъни унинг қоридида айтилган санитария-гигиена қоидаларини тўғри бжаришига боғлиқдир.

Рихсивий МАВЛОНОВ, Собир Раҳимов гуман Давлат санитария-гигиена нозорати таркази бош шифокори

ФАРҒОНА ШАҲРИДА 16 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА «УМИД КУБОГИ» МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Футбол

ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР — ИККИНЧИ

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда бошқа вилоятлардан ташриф буюрган жамоалар ўртасида кечган муросасиз беллашуларда бош совринга саралаш баҳсларида голиб чиққан Фарғонанинг «Олимпик» ҳамда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоалари даъвогарлик қилишди. Қизилкарлик, муросасиз ўтган учрашув 2:0 ҳисобида мезбонларнинг галабаси билан якунланди. Ёш пахтакорчилар эса турнирда иккинчи ўрин билан қифолянишди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Сўзсиз сурат. Абдурасул Ҳакимов чизган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва таабиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАҚИФ ЭТАДИ

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига ҚУЙИДАГИЛАР ҚУЙИЛМОҚДА:

- 1. Тошкент шаҳар Сергел Тошкент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 19 январдаги 10-0719/790 сонли суд буйруғига асосан хатланган, «Toshshahatimur» ДУКнинг Тошкент шаҳри, Сергели тумани, М.Ҳайдаров кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари арзонлаштирилган баҳода тақроран қуйилмоқда:
- «Газ-52 фургон» русумли, давлат рақами 10 AF 741 бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 323 825,44 сўм.
- «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 765 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 488 958,32 сўм.
- «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 763 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 456 328 сўм.
- «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 755 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 477 130,40 сўм.
- «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 753 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 448 108,80 сўм.
- «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 752 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 500 812 сўм.
- «Газ-52 фургон» русумли, давлат рақами 10 AF 745 бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 683 187,20 сўм.
- «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 742 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 467 749,60 сўм.
- «Газ-52 ТВГ-15» русумли, давлат рақами 10 AF 764 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 468 959,20 сўм.
Аукцион савдолари 2007 йилнинг 7, 14, 21, 28 август ва 4 сентябрь кунлари соат 11-00да, ушбу автотранспорт воситалари сотилганига қадар мунтазам равишда ўтказилади.
2. Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 25 декабрдаги 10-0620/15872 сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Х.Бойқаров кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган ОДСП-19да сақланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари қуйилмоқда:
- «ГАЗ-2411» русумли, давлат рақами 10 АХ 872 бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 519 260 сўм.
- «ТИКО» русумли, давлат рақами 10 АД 497 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 937 595 сўм.
- «ГАЗ-3110» русумли, давлат рақами 10 АО 919 бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 064 200 сўм.
3. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жинг ишлари бўйича Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар судининг 2007 йил 14 мартдаги 1-136/2007- сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси МХХнинг автомашиналар сақлаш масканида сақланаётган, «MITSUBISHI Pajero» русумли, давлат рақами Х 393 МЗМ бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.
Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдолари 2007 йилнинг 28 август ва 4, 11, 18, 25 сентябрь кунлари соат 11-00 да, ушбу автотранспорт воситалари сотилганига қадар мунтазам равишда ўтказилади. Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжати ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИИН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақами тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй. Телефон: 228-79-52. Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусxada босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. 1 2 3 4